


Navro'z — biz uchun, avvalo, eng qadimiy, asl milliy, g'oyat ardoqli bayramimizdir.

Islom KARIMOV



Navro'z ayyomi arafasida Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat institutining professor-o'qituvchilariga yangi kostyum-shimlar hadya qilindi.

## БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги эзгулик ва нафосат айёми — юртимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Дунёда нишонланганидан ҳар бир байрамнинг ўзига хос ва ўзига мос фалсафаси, турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Лекин ана шу гўзал ва бетакрор байрамлар орасида Наврўз айёми ўзининг кўрку таровати, маъно-маъмуни билан алоҳида ажралди туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу кутлуғ ва хосиятли кун ҳақида узоқ гапириш, уни кўп-кўп таърифлаш мумкин.

Наврўз — биз учун, аввало, энг қадимий, асл миллий, гоёат ардоқли байрамимиздир.

Наврўз — биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгилашнинг меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз — биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига бекиёс таъсир ўтказиб келадиган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир.

Мана шундай шуқуҳли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидида энг эзгу туйғу ва тилақларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дусту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини изхор этишга интилади.

Бугун мен ҳам кўпчилик қаторида сиз азизларимга, барча юртдошларимга ўзимнинг тилак-даъватларимни, қалбимдаги самимий истакларимни билдирмоқчиман.

Аввало, табиат уйғонаётган, юртимизда Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси намён бўлаётган

шу ёруғ кунларга эсон-омон етказгани учун Яратганимизга шуқроналар айтишимиз лозим.

Мана шундай дақиқаларда атрофдаги табиатнинг нақадар гўзал ва бетакрор, бу фусункор ҳаётнинг нақадар бебаҳо ҳаётини инсон яна ва яна бир бор ҳис этиши табиийдир.

Ўз яқинларимизнинг қадрига етиш, ён-атрофимиздаги одамлар, маҳалла-қўй, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирига қалб кўрини бағишлаб яшашнинг, содда қилиб айтганда, ҳаётнинг нақадар ганимат эканини яна бир қарра англашга даъват этмоқчиман.

Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан, эртанги кунга ишонч билан яшаш — Наврўзи оламнинг ўзи бизларни қорлайдиган бир аломат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яхшиликка интилиш, бизга ато этилган умрнинг ҳар лаҳзасини эзгулик йўлида сарфлаш, бир-биримиздан меҳр-муҳаббатимизни ямаслик — бу ҳам инсондан катта мардлик, бағрикенглик ва олижанобликни талаб қилади.

Менинг тилагим шуки, ана шундай кайфият билан яшаш, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиш учун барчамиз доимо ҳаракат қилишимиз даркор.

Айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саховат ва муруват кўрсатиш, сабоват ишни ҳар кун қилиш керак, сабоват ишни ҳар ким қилиши керак, деган широримизни мана шу кунларда янада кўпроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанча-қанча доволардан ўтдик.

Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни энгиб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни кўролмайдиганларни доғда қолдириб, дўсту биродарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиб келдик. Мен мана шу хосиятли айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим. Яъни, инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдирини, бугунги ва эртанги бахту саодати, ёруғ ва буюқ келажиги барчамизнинг қўлимизда.

Ва бу олижаноб мақсадларга етиш бизнинг ҳаракатимиз, шижоатимиз, кучқудратимиз, аҳиллигимиз ва бирдамлигимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Қадрли дўстлар! Наврўзи оламнинг яна бир шарофати борки, у ҳам бўлса, бу байрамнинг одамларни, бутун жамиятнинг бирлаштирувчи кучида намён бўлади.

Ўзингиз бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги мана шу улкан даврада қайси элат, қайси миллат вакили йўқ?

Шу кунларда барча шахар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Наврўзини ба-

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

**Диёримизда фасли баҳор. Табиатнинг, борлиқнинг уйғониш палласи. Офтоб нуридан баҳра олаётган она заминимиз ям-яшил майсалар, ранг-баранг гулу чечаклар билан безанган. Дов-дарахтлар ҳам гулга бурканган. Бободоҳон яхши ният билан ерга уруғ экаяпти. Ўлкамизда улуғ айём, қут-баракат элчиси — Наврўз шуқуҳи кезаяпти. Барчанинг чеҳрасида яшариш, янгилаш, бунёдкорлик кайфияти зоҳир.**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона либосда.

Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари ҳар гал пойтахтимизнинг ана шу сўлим масканидан бошланади. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Мажмуа ўртасида барпо этилган улкан сахна ва унинг атрофида ҳофизлар, раққослар, дорбозлар, чавандозлар, полковлар, цирк артистлари, хунарманду усталар, чеварлар, қўйинки, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратини намойиш этишга чоғланган.

Соат 10. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, давомли қарсақлар билан қутиб олади.

Чорлов муסיқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Девлатимиз раҳбари юртимиз фуқароларини умрбоқий байрам — Наврўзи олам билан самимий қутлар экан, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, қадимий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъана ва удумлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Диёримизда бу айём қадимқадимдан ҳамиша меҳр-оқибат, мурувват, саховат ва бунёдкорлик байрами сифатида нишонлаб келинган.

Президентимиз кўп миллатли мамлакатимиз фуқароларининг бирдамлиги, дўстлиги, иноқлиги ифодасига айланиб қолган Наврўз тантаналарининг фазилатларига алоҳида тўхтади.

(Давоми 3-бетда)



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЯНГИ КОНСЕРВАТОРИЯ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли санъаткорлар!

Бугун Наврўз нафаси кезиб юрган гўзал ва бетакрор юртимизда яна бир катта байрам, катта шодиёна.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган консерваториямиз янги биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон учун чексиз нурур ва ифтихор бахш этидиган қувончли воқеадир.

Шу муносабат билан мен, аввало, сиз, муҳтарам маданият ва санъатимиз намояндаларини, ижодкор зиёлиларимиз, талаба ёшларимизни, узоқ-яқиндан ташриф буюрган азиз меҳмонларимизни, барча-барчангизни чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар!

Мана шундай улуғвор, ҳар қандай инсоннинг ҳавасини тортадиган муаззам санъат даргоҳи оstonасига қадим қўяр экан, одам беихтиёр санъатнинг башарият ҳаётидаги ўрни, муסיқанинг инсон руҳиятига бекиёс таъсири ҳақида ўйлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, дунёда муסיқани севмайдиган, одамдан тасвирланмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Одамзот ёзиш-чишишни, ўқини билмаслиги мумкин, лекин, шубҳа йўқки, гўзал куй, оҳанг ва тороналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади. Таъбир жоиз бўлса, муסיқа инсоннинг юрагида албатта акс-садо беради.

Муסיқанинг бекиёс таъсир кучи фақат хурсандчилик кунларда эмас, балки инсоннинг бошига турли синовлар тушган, юраги ғам-ғуссага тўйган оғир дамларда ҳам намён бўлиб, унга куч-қувват, руҳий мадад беради.

Одам ўз Ватанидан олис жойларда, беғона ўлкаларда юрган чоғида, дилига яқин бўлган бирон миллий оҳангни эшитганида, аввало, эл-юртинини эспайди, соғинч тўла кўнглига малҳам топади.

Муסיқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ.

Шу сабабдан ҳам Бах ва Моцарт, Бетховен ва Шопен, Чайковский ва Шостакович

каби буюқ даҳолар яратган дурдона асарлар билан дунёдаги барча миллат ва халқлар фахрланади, уларни ҳақли равишда бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги, деб билади.

Қадрли юртдошлар! Ўзбек халқи ўзининг юксак муסיқий салоҳияти, муסיқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозongan.

Юртимизда ўз муסיқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирон-бир чолғунинг доимо осигилиқ туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатга чексиз ҳурмати ва илҳосидан далолат беради.

Айтиш мумкинки, муסיқа одамларимизнинг юрак туйғулари, руҳий кечинмалари билан чамбарчас пайванд бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас, узвий бир қисмига айланиб кетган.

Барчамизга маълумки, бизнинг кўҳна заминимизда қадимқадимдан турли цивилизация ва маданиятлар ёнма-ён яшаб, оқадоларимиз бошқа халқларнинг санъатидан ҳам баҳраманд бўлиб келган.

Ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида миллий санъатимиз билан бир қаторда жаҳон маданиятининг энг илгор намуналарини ижодий ўзлаштириб, янада ривожлантиргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Шу маънода, ўтган асрнинг 20-йилларида Европа муסיқасининг маънавий ҳаётимизга кириб келгани, Тошкент ва Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларида дастлабки профессионал муסיқа мактабларининг пайдо бўлгани санъатимиз ва маданиятимиз ривожига ёрқин саҳифалар бўлиб қўйилганини ҳеч қим инкор эталмайди.

Бу борада Ўрта Осиё ва Қозғистон республикаларида биринчи бўлиб ташкил этилган Тошкент давлат консерваториясининг тутган улкан ўрни ҳақида алоҳида айтиб ўтишимиз зарур.

Бугунги кунда мамлакатимиз муסיқа санъати соҳасида қандай ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида олтимиш беш йиллик тарихга эга бўлган консерваториямизнинг ҳиссаси чексиз эканини, аввало, унинг опера ва балет, хор ва симфоник асарларни яратиши, замо-

навий эстрада ривожига кўрсатган таъсирини жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, мана шу билим масканида тахсил олган ўнлаб санъаткорларимизнинг ўз истеъдоди билан жаҳон сахналарини забот этаётганида, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танловларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон давруғини бутун дунёга таратаётганида, юртимизда ўтказилаётган турли муסיқа фестивалларида кўплай хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш ортиб бораётганида консерватория ижодий жамоасининг хизмати ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Бугун биз ўзининг бетакрор санъати ва бой мероси билан ўзбек муסיқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган бастакор ва ижрочиларни, бутун илмий-ижодий фаолиятини консерватория ҳаёти билан чамбарчас боғлаган заҳматкаш педагог-мураббийларнинг хотираси ва номларини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз ва тилга оламиз.

Шу билан бирга, эски тузум даврида бу ўқув даргоҳининг фаолияти ҳам ўта мафқуравий асосда, бирёқтама ташкил этилганини бугун таассуф билан эспаймиз.

Узоқ йиллар давомида бу ерда миллий муסיқа санъатига эътибор берилмагани, ҳатто жаҳон муסיқа маданиятининг энг нодир намуналаридан бўлиши мақом санъатига ҳам беписандлик билан қаралгани, уни ўрганиш ва тарбия этиш масаласи 70-йиллардагина, шунда ҳам, халқаро муסיқа жамоатчилигининг таъсири остида йўлга қўйилгани, ўйлайманки, кўп нарсани аналтади.

Мана шундай нотўғри ёндашувни биз эллигинчи йилларда рўй берган, муסיқа ижрочилигида ўзбек миллий чолғу асбобларидан воз кечишга бўлган беъмъони уринишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.


Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, Турғун Алиматовдек буюқ санъаткорлар кўлида тенгсиз мўъжизага айланган танбур навосидан завқ олмайдиган, хайратга тушмайдиган, унга қойил қолмайдиган одам борми? Бундай ноёб, нодир санъатни халқ хотирасидан ўчириш, йўқ қилиш мумкинми?

(Давоми 2-бетда)



# БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



(Давоми. Боши 1-бетда)

Майдон узра табиатнинг уйғониши — Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралади. Муסיқий оханларга жисми жонимизни орзиқтириб фасли баҳор рамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жидираши уйғунлашиб кетади. Майин куй оғушида кўз ўнгимизда табиатимизнинг бетакрор фасллари — ёз, куз, қиш, баҳор манзаралари намён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади.

Жарчилар элу юрти Наврўз сайлига чорлайди. Карнай-сурнай садолари остида саҳнага шириндан-шакар болакайлар қуршовида нуроний Бобо ва Момо кириб келади. Эзгуликка талпинаётган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибали рақслари кишини беихтиёр ўзига ром этади. Айниқса, уларнинг қариялар билан қурган ўғитларга бой суҳбати барчага бирдек завқу шавқ улашади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизда кексалар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг дуосини олиш эзгу фазилатлардан биридир. Юртбошимиз ташаббусига биноан 2002 йил мамлакатимизда

Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилингани замирида, шубҳасиз, ана шу ўзбекона донолик мужассам. Шу боис бу тантаналар табиатнинг ранг-баранглиги, баҳор нашидаси, янги кун ва янги йилни олқишлаётган юртнинг нашъу намолари халқимизнинг юксак руҳияти, бунёдкорлик кайфиятини яққол намён этади.

Бундай байрамлар учун шунга яраша сабаб, ютуқлар ҳам бўлиши керак. Бизда

да улкан тантаналар учун етарли сабаблар борлигини яққол кўрсатиб беради.

Хусусан, ўтган йили халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Қашқадарёда умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг, санаатимиз қудратини оширишга улкан хисса қўшадиған Шўртан газ-кимё мажмуи фойдаланишга топширилди. Асакадаги автомобиль заводи конвейер-

Бу йил мамлакатимизда қадимдан яшилдиёр номи билан маълум ва машҳур Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги кенг нишонланди. Саҳнада ҳамisha навқирон ушбу шаҳарнинг тарихий қийфаси Оқсарой сиймосида намён бўлади. Қашқадарёлик санъаткорларнинг миллий урф-одатларга, расм-русумларга бой бетакрор чиқишлари вилоятлар бадий жамоаларининг концерт дастурларини бошлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган бадий жамоалар, ҳаваскорлар бирин-кетин ўз санъатларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови, лаган ўйини, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида эса миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз Наврўз билан ниҳоятда чамбарчас эканлиги тараннум



га садоқат, кексаларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳи билан байрам шодиёналарига ўзгача фойз киритди. Мазкур чиқишларда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларнинг ижро маҳорати ва сўзга масъулияти сезиларли ортанлиги кўзга ташланади. Буни Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили эстрада санъатини ривож-

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислам Каримов ана шу кўргазмани кўздан кечирди.

— Наврўз бошқа байрамлардан тубдан ажралиб туради, — деди давлатимиз раҳбари шу ерда журнал-листларга берган интервьюсида. — У жуда қадимий ва ҳақиқий миллий байрамимиздир. Халқимиз буңдан

шодиёналарга бой бўлишини Яратгандан яна бир бор сўрайман. Бизнинг бутунги кунимиз кечагисидан ёруроқ эканлигини ҳамма кўриб турибди. Мен ишонманки, эртанги кунимиз бутунгисидан кўра минг чақдон нуррафшон ва фаровон бўлади. Шундай байрамларни юқори руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказадиган халқ ҳеч

кўрсатиб келаяпти. Табиийки, ўша жойларда ҳам Наврўз тантана қилинади. Байрамга ташриф буюрган юзлаб, минглаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлади, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишади. Бу каби тадбирлар юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-этибори, нуфузи ортишига муҳим омил бўлади. Қолаверса, Тошкентдаги Наврўз байрами кўплаб хорижий мамлакатлар телеканалларида олиб кўрсатилди. Шу баҳонада олам аҳли бунёдкор халққа мана шундай улкан тантаналар ярашишига яна бир бор гувоҳ бўлди.

Наврўз шодиёналари, айтиш мумкинки, халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари, юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларининг ўзига хос бадий-муסיқий намойиши бўлди.

Миллий боғдаги байрам тантаналари мушакбозликка уланиб кетди.

**Анвар КАРИМОВ, Ўктам ДҮСТЁР, ЎЗА мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА:** Наврўз байрами тантаналаридан лавҳалар.

**Абдувоҳид ТўРАЕВ, Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**



эса бундай тантаналарга яраша улкан ютуқлар талайгина. Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимизнинг барчасини санаб ўтиш учун анча вақт керак. Шу боис фақат ўтган йилги Наврўздан бу йилги байрамгача бўлган даврда амалга оширилган ишларнинг, эришилган ютуқларнинг баъзиларини эслаб ўтишнинг ўзигина мамлакатимиз-

ларидан эса «Матиз» русумли янги машина чика бошлади. Бир неча йирик тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Фахрлансак арзийдиган бундай қувончли мисоллар сановини яна давом эттириш мумкин. Мана шундай муваффақиятларга эришган ва эришаётган халқ улкан байрамлар, тантаналар ўтказишга минг карра ҳақлидир.

этилади. Кўклам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган тури миллиятлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнасидир.

Замонавий миллий эстрадамиз юдузларининг чиқишлари ҳам ажодларимиз мероси-

лантиришга қаратилган қарори самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Шу ўринда санъатимиз тараққиётига бекиёс ҳисса қўшувчи яна бир омилни эслаб ўтиш ўринли. Наврўз арафасида Тошкентда консерваториянинг янги биноси қурилиши ниҳоясига етди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори самараси бўлган бу санъат кошонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон мумтоз муסיқаси ривож учун, иқтидорли ёшлар санъатининг бу нафис турини чуқур ўзлаштириши учун барча шароит яратилаётганига яна бир далолатдир.

Наврўз байрамида халқ хунармандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу гал ҳам миллий боғнинг каттагина қисми хунармандлик маҳсулоти ранг-баранг намуналари билан зийнатланган. Улар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касбкори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъати ифодаси.

минг йиллар муқаддам ҳам Наврўзни нишонлагани тўғрисида «Авесто» китобида маълумотлар берилган. Мен Наврўзни умид, ишонч ва хурсандчилик тимсоли, деб биламан.

— Шу дамда Навоий ҳазратларининг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» деган сўзлари ёдимга тушади, — деди Ислам Каримов. — Ҳақиқатан ҳам, бутунги байрам кунларида кишиларнинг, айниқса, болаларнинг юзидаги кўтаринки руҳ ва кайфиятни кўриб, барча фуқароларимизнинг ҳар бир кун шундай

қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари 2002 йил мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар йили бўлишини, бунинг учун етарли асослар борлигини алоҳида таъкидлади.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари нафақат юртимиз шаҳар ва қишлоқларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам давом этади. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Истиқлолга эришганимиздан буюн дуненинг ўнлаб давлатларида Ўзбекистоннинг элчихоналари, ваколатхоналари фаолият



ДУШАНБА, 25 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
Телеомошабинлар диққатига!
«Ўзбекистон 1» телеканалда ўз
курсуватларини соат 15.00 дан
бошлади.

СЕШАНБА, 26 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
«Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 «Камалак». Болалар учун кинодас-
тур.



Болаларнинг таътил кунларида:
10.25 «Эттинчи жин», Бадийий фильм.
11.25 «Бахримисиз, онажон!»
11.45 Биржа ва банк хабарлари.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр» тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ҳақ
вазифаси».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк
маротаба: «Оши» Телесерияли.
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25-23.30 Ватан тинсоллари.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

ЧОРШАНБА, 27 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.
2-қисм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон
маслаҳати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

ПАЙШАНБА, 28 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон
маслаҳати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

ЖУМА, 29 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон
маслаҳати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

ШАНБА, 30 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон
маслаҳати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

ЯКШАНБА, 31 март

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кино-
дастур.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон
маслаҳати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.



«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
9.00 «Давр» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ қабулар.
9.35 «Самовий саргузаштлар». Сериал.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, Билагон
маслаҳати.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларнинг экранлари. «Покемон».
Мультифильм.

Ma'rifa!
ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий оғу
маъсу таълим вазирлиги, Таълим ва
фан ходимлари касба уюшмаси
Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар
БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул қо-
тиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар
ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўткир ХОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат
Матбуот Қўмитасида № 20 ракам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-134.
Тиражи 28684 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қозғоқ бичими А-3
Навбатчи муҳаррир:
Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи:
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ.

«Ma'rifa!»дан материаллари кўчириб босиб тахририят
руҳсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛАРИ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилик кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул қотиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва
мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими—136-54-23, уму-
ний ўрта таълим янгиликлари бўлими, касба йўналиши ва ўрта
маъсу таълим янгиликлари бўлими—136-54-03, олий таълим
янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари
«Ma'rifa!—Madafo» нашридаги тартибли.
Pentagon компьютерида
Лилия БИНАЛПЕВА ва Милохат ТОШОВА
сандашди.
«Шарқ» нашрият-матбаа акционерлик
компанияси босмадир.
Қорхона манзили: «Буёқ Тўро» кўчаси 41-ўй.
Босилган топшириқ вақти—20.00.
Тошкентда —